Адл ила олам юзин обод қил

Куч–адолатда

2021 йил
15 январь,
жума
№ 2 (827)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!

Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Муҳтарам ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий мубораклаб этаман.

Ушбу қутлуғ айём том маънодаги умумхалқ байрамига, азалдан халқимизга хос бўлган ватанпарварлик, мардлик ва жасурлик каби юксак фазилатлар тимсолига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Таъкидлаш керакки, **миллий армиямизнинг куч-қудрати азму шижоатли ва ҳар ишда етук салоҳиятли ҳарбий хизматчиларимизнинг, бағрикенг ва олижаноб халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигидадир.** Бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этмоқдамиз.

Ишончим комилки, ана шундай буюк маънавий қудрат манбаи бор экан, эл-юртимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, Ватанимиз мустақиллигига ҳеч қандай ёвуз куч рахна сололмайди, демократик ислоҳотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтара олмайди.

Биз баҳодир ва довюрак ҳарбийларимиз билан — ўзининг муқаддас қасамёдига содиқ қолиб, хизмат бурчини ерда ҳам, кўкда ҳам шараф ила адо этаётган юртимизнинг забардаст ўғлонлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган қўрқмас ва ҳақиқий ватанпарвар аскар ва офицерларнинг **ота-оналарига,** шунингдек, ҳарбий ҳаётнинг бутун қувонч ва ташвишларини турмуш ўртоқлари билан баҳам кўриб келаётган меҳрибон ва сабр тоқатли **рафиқаларига** улкан миннатдорлик билдираман.

Биз сизларнинг тимсолингизда миллий армиямизга тоғдек таянч бўлиб турган буюк маънавий кучни кўрамиз. Бугунги улуғ айёмда сизларнинг ҳам Ватанимизнинг мудофаа қудратини оширишда муносиб ҳиссангиз борлигини яна бир бор катта мамнуният билан эътироф этамиз.

Қадрли дўстлар!

Биз бундан тўрт йил олдин Ўзбекистонда ҳарбий қурилиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича энг муҳим ва устувор йўналишларни белгилаб олган эдик. Шу асосда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш учун кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдамиз.

Ўтган қисқа даврда янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилди.

Тарихимизда биринчи марта ўз моҳиятига кўра ноёб тизим — ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бундай иш усули жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга фаол жалб этиш учун имкон берди. **Энг муҳими, "Армия ва халқ — бир тану бир жондир"** деган улуғ ғояни амалда таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари республикамиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишнинг чинакам кафолати бўлмоқда.

Энг асосийси, миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган эл-юрт таянчи ва суянчига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланди.

Албатта, ўтган 2020 йил жаҳондаги барча давлатлар қатори мамлакатимиз учун ҳам жиддий синовлар йили бўлди. Биз коронавирус пандемиясининг таҳдидига, шунингдек, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида кутилмаган табиий ва техноген офатларга дуч келдик.

Ана шундай ғоят кескин шароитда Қуролли Кучларимиз соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг **"Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ — чин вазифангиздур"**, деган эзгу даъватини ўзига шиор қилиб олди.

Улар халқимизга янада яқин бўлиб, сафарбарликни ошириб, қисқа муддатларда ўз олдига қўйилган муҳим вазифаларни муносиб адо этганини барчамиз чексиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Айниқса, бу жараёнда ҳарбий шифокор ва хизматчиларимиз, ҳуқуқ-тартибот органлари ва қутқарув хизмати ходимлари ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини, юқори касбий маҳоратни намоён этганлари алоҳида таҳсин ва эътирофга сазовордир.

Бундай мураккаб вазиятда Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академиясининг ташкил этилгани аҳоли саломатлиги ва ҳаётини муҳофаза қилиш борасида олдимизга қўйилган долзарб вазифаларни тезкор ва самарали ҳал этиш имконини беради.

Минтақамизда ягона бўлган ушбу янги академия ҳарбий тиббиёт соҳасида, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда иштирок этадиган юқори малакали ва ихтисослашган кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Академияда жаҳон андозаларига мос инновацион ишланмалар ҳамда илғор технологияларга асосланган ўқув-лаборатория хоналари ва энг замонавий моддий-техник база яратилмоқда.

Миллий армиямизнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий қудрати ва салоҳиятини янада ошириш имконини берди.

Паҳлавон ва ботир ўғлонларимиз халқаро ҳарбий-ўқув машғулотлари, армия ва спорт мусобақаларида дунёдаги етакчи мамлакатларнинг ҳарбий хизматчиларига асло бўш келмасдан, ғалабага бўлган иродасини яққол намойиш этиб, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканини исботламоқдалар.

Муҳтарам ватандошлар!

Биз глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамасдан, ҳарбий хизматчиларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳарбий шаҳарчаларни ободонлаштириш, уларда замонавий инфратузилмалар барпо этиш бўйича тизимли ишларимизни изчил давом эттираяпмиз.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун қўшимча равишда кўплаб янги иш ўринлари яратилди. 3 мингдан зиёд ҳарбий пенсионерлар ишга жойлаштирилди. Ҳарбий хизматчиларнинг мингдан ортиқ фарзандларига олий ўқув юртларида таълим олишлари учун давлат грантлари ажратилди.

Ҳеч шубҳасиз, **Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили**да бу борадаги ишларимизни янада кучайтириб, мутлақо янги босқичга кўтарамиз.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлари форумида, Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномамизда ҳам ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни аниқ белгилаб бердик.

Янги Ўзбекистонда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий соғлом, Она Ватанга фидойи ва жонкуяр инсонлар бўлиб улғайиши, шонли тарихимиздан ибрат олиб, ундан фахрланиб яшаши учун барча куч ва имкониятимизни тўлиқ сафарбар этамиз.

Жаҳонда мафкуравий курашлар кескин тус олаётган, ахборот маконида турли хавф-хатар ва таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда барчамиз доимий огоҳ ва сезгир, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишимиз керак.

Айниқса, адашиб, ёт ғоялар таъсирига тушган шахслар ва уларнинг фарзандларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва уларни соғлом турмуш тарзига, тўғри йўлга қайтаришда ҳарбий хизматчиларимиз давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишларни янада кучайтириши лозим.

Ҳурматли мард ва жасур Ватан ҳимоячилари!

Бугун дунёнинг олис ва яқин минтақаларида мураккаб можаро ва тўқнашувлар давом этаётган бир пайтда жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада самарали ташкил этишимиз шарт.

Хусусан, мудофаа қобилиятимизни мустаҳкамлаш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, бўлинмаларни бошқаришда ахборот технологияларини кенг қўллаш, жанговар тайёргарлик ва касбий маҳоратни ошириш бундан кейин ҳам устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Ҳеч шубҳасиз, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ана шундай эзгу мақсад ва марраларга эришишга, халқимизнинг тинч меҳнати, осойишта ҳаётини, юртимизнинг мусаффо осмонини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ҳар томонлама қодирмиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан сиз, азизларни ва оила аъзоларингизни яна бир бор чин юракдан табриклайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва саодат, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман.

Халқимизнинг юксак ишончи ва ҳурмат-эҳтироми сизларга ҳамиша ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

2020 йил 19 декабрь № 37 Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

I. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **"Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"** 2013 йил 31 майдаги 8-сонли қарори:

номи, преамбула ва **матнидаги** "бошқа мажбурий тўловлар" деган сўзлар тегишли келишикдаги "йиғимлар" деган сўз билан, "энг кам ойлик иш ҳақи", "энг кам ойлик иш ҳақи миқдори" деган сўзлар тегишли келишикдаги "базавий ҳисоблаш миқдори" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бошқа тарзда қасддан бўйин товлаш солиқ тўловчининг давлат солиқ хизмати органларига солиқ ҳисоботи ҳужжатларини ёки солиқ қонунчилигига мувофиқ тақдим этилиши шарт бўлган бошқа ҳужжатларни қасддан тақдим этмаслик ёки солиқ ҳисоботи тақдим этилганидан сўнг содир этилган, солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида тўлов қобилиятсизлиги ҳолатини сунъий равишда вужудга келтиришга қаратилган қилмишларда ифодаланади";

3-бандининг иккинчи — бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"СК 17-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, қуйидаги солиқлар белгиланади:

1) қўшилган қиймат солиғи;
2) акциз солиғи;
3) фойда солиғи;
4) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
5) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
7) мол-мулк солиғи;
8) ер солиғи;
9) ижтимоий солиқ.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бюджет тизимига мажбурий тўланадиган йиғимлар ҳам белгиланиши мумкин. Йиғимларни жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби СК ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Автотранспорт йиғимини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби СК билан тартибга солинади.

Бундан ташқари алкоголли маҳсулотларни, шу жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларни сотиш учун йиғим, заргарлик буюмларини чакана савдоси учун йиғим каби бошқа йиғимлар қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган (масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-589-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5721-сонли Фармони)";

(Давоми 2-бетда) ▶

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: АРМИЯ ФАҚАТ ҚУРОЛ ВА АСЛАҲА БИЛАН ЭМАС, ОНА ВАТАН УЧУН ЖОНИНИ АЯМАЙДИГАН ҲАРБИЙЛАР БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳи ҳарбий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

14 январь куни ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони йиғилганларни, барча ҳарбийларни, уларнинг оила аъзоларини байрам билан мубораклаб этди.

Маросимда таъкидланганидек, ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек муқаддас ва масъулиятли ишга бағишлаган ва буни ҳар куни, ҳар дақиқада амалда исботлаётган аскар ва офицерларимиз бизнинг фахримиз ва ғуруримиздир. Айниқса, ўтган йили ўз вазифасини адо этиш билан бирга, халқимиз бошига тушган оғир синовларни мардона енгиб ўтишда уларнинг хизматлари нечоғли катта бўлганини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида ҳарбий соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Илгари армия алоҳида, халқ алоҳида бир дунё эди. Президент Шавкат Мирзиёев илк кунлардан "халқ билан армия — бир тану бир жон" деган муҳим ғояни илгари сурди ва вазият тубдан ўзгарди.

Ҳарбий қисмлар эшиклари халқ учун, бўлажак Ватан посбонлари — ёш авлод учун ҳамиша очиқ бўлиши кераклиги таъкидланди.

Истиқлол ғояларига садоқатли, ватанпарвар ҳарбий кадрларнинг янги авлодини етиштиришга катта эътибор берилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

Пойтахтимиздаги "Халқлар дўстлиги" саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тантанали тадбир ташкил этилди.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Шараф сизга, матонатли посбонлар!

Унга Мудофаа, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Божхона хизмати ва соҳага дахлдор бўлган бир қатор тузилмаларнинг ходимлари, фахрийлар, ҳарбий академиялар, билим даргоҳларининг курсантлари, уларнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Давлатимиз мадҳияси янграйди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Курбонов ўқиб эшиттирди.

Тинч ва осойишта ҳаётимиз, ёруғ ва бехавотир кунларимиз ҳарбийларнинг фидойилиги, садоқати, матонатига бевосита боғлиқдир. Мамлакатимизда мудофаа соҳасини тубдан ислоҳ этиш, уни тезкор замон талабига монанд тарзда муттасил такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, давлатнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар қудрати ва қобилиятини ошириш каби йўналишларда тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида ўтган қисқа даврда янги Мудофаа доктринаси қабул қилингани, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта кўриб чиқилгани, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилгани алоҳида таъкидланади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонун моҳияти

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришлар

суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини қайта кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган

Сўнгги тўрт йилда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятда адолатни қарор топтиришда одил судлов алоҳида ўрин тутишини эътиборга олган ҳолда, суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ этишга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди.

Робахон МАҲМУДОВА,
Олий суд раисининг биринчи ўринбосари

Тарихимизда илк маротаба давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқни амалга оширишни таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий судида маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман, шаҳарларда маъмурий судлар ташкил этилди. Бу тизим қисқа муддатларда ўз натижасини бера бошлади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"8. Қонунга кўра (СК 213-моддаси), шахс қуйидаги ҳолатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас:

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактининг мавжуд эмаслиги (масалан, агар бир турдаги солиқлар учун тўланган пул суммаси бошқа турдаги солиқлар учун тўланмаган суммалар ўрнини тўлиқ қопласа (СК 103-105-моддалари);

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилишида шахснинг айби мавжуд эмаслиги (масалан, қилмишнинг табиий офат ёки бошқа фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида, шахс томонидан ўз ҳаракатларини ўзи идора этолмайдиган ёки бошқара олмайдиган салланг ҳолатида содир этилган бўлса ва СК 215-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолларда);

солиқ органининг ёки бошқа ваколатли органнинг солиқни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш тартиби тўғрисида ёки солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилишининг бошқа масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида солиқ тўловчига берган ёзма тушунтиришлари солиқ тўловчи томонидан бажарилганлиги;

солиқ мониторингини ўтказиш даврида солиқ органининг солиқ тўловчига юборилган асослантирилган фикри солиқ тўловчи томонидан бажарилганлиги.

Қонунга кўра (СК 103-105-моддалари), агар бир турдаги солиқлар учун тўланган пул суммаси бошқа турдаги тўловлар учун қасддан тўланмаган суммалар ўрнини тўлиқ қопласа, шахс жавобгарликка тортилмайди. Агар бир турдаги солиқлар учун ортиқча тўланган сумманинг миқдори бошқа турдаги тўловлар учун қасддан тўланмаган сумманинг миқдорини қисман қопласа, шахснинг айбдорлиқ масаласи тўланган ва тўланмаган суммалар орасидаги фарқ миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади.

Ўзи илгари тақдим этган солиқ ҳисоботида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси камайишига (ўзгаришига) олиб келган нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни ва (ёки) хатоларни аниқлаган солиқ тўловчи ушбу солиқ ҳисоботига зарур тузатишларни киритиши ва солиқ органига аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиши шарт. Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи солиқ органига солиқни тўлаш муддати ўтгандан кейин тақдим этилган бўлса ва бунда ушбу ҳисобот солиқ тўловчи томонидан солиқ суммаси камайишига (ўзгаришига) олиб келган ҳолатлар солиқ органи томонидан аниқланганлигини ёки солиқ аудити тайинланганлигини билган пайтга қадар тақдим этилган бўлса ва ушбу ҳисобот тақдим этилгунга қадар у етишмаётган солиқ суммасини ва унга тегишли пеняларни тўлаган бўлса, солиқ тўловчи жавобгарликдан озод қилинади (СК 83-моддаси)";

9-банди:

биринчи хатбошисидаги "СК 56-моддаси" деган сўзлар "СК 103-105-моддалари" деган сўзлар билан, "СК 109, 110-моддалари" деган сўзлар "СК 213-моддаси" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги "Солиқ кодекси 162-моддасига" деган сўзлар "СК 73-моддасига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13-банди:

матнидаги "СК 3-моддаси" деган сўзлар "СК 4-моддаси" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги барча бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин этилади (СК 13-моддаси)";

13¹-банди:

биринчи хатбошисидаги "давлат солиқ хизмати органининг қарорини" деган сўзлардан кейин "ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг содир этилган жиноят ҳақидаги хабарини" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошисидаги "СК 36-моддаси" деган сўзлар "СК 86-моддаси" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **"Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"** 2013 йил 11 декабрдаги 20-сонли қарори:

матнидаги "бошқа мажбурий тўловлар" деган сўзлар тегишли келишикдаги "йиғимлар" деган сўз билан алмаштирилсин;

4-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **саккизинчи** ва **тўққизинчи кичик хатбошилар** билан тўлдирилсин:

"юридик шахс бўлган бошқа тадбиркорлик субъектларининг муассислари (иштирокчилари) бўлишга;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга";

13-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Агар тадбиркорлик фаолиятини махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан амалга ошираётган шахс, айни пайтда рўйхатдан ўтишдан ҳам бўйин товласа, унинг ҳаракатлари ЖК 188-моддаси билан квалификация қилиниши лозим бўлиб, ЖК 190-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди".

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **"Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"** 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли қарори **31-бандининг учинчи хатбошисидаги** "энг кам ойлик иш ҳақининг" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **"Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"** 2004 йил 21 майдаги 4-сонли қарори **матнидаги** "энг кам ойлик иш ҳақи", "энг кам ойлик иш ҳақи миқдори" деган сўзлар тегишли келишикдаги "базавий ҳисоблаш миқдори" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **"Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"** 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарори **16-бандининг биринчи хатбошисидаги** "энг кам ойлик иш ҳақининг" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **"Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида"** 2016 йил 27 декабрдаги 28-сонли қарори **5-бандининг иккинчи хатбошисидаги** "энг кам ойлик иш ҳақининг" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **"Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"** 2017 йил 11 октябрдаги 35-сонли қарори **матнидаги** "энг кам ойлик иш ҳақининг" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

II. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг иқтисодий ишлар бўйича қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунини иқтисодий судлар амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"** 2002 йил 4 мартдаги 103-сонли қарори:

4-бандидаги "ХПКнинг 141-моддасига" деган сўзлар "ИПКнинг 183-моддасига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Бошқа ҳолларда, масалан, шартномаларни тузишда, қонунчиликда белгиланган ҳоллардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида" 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сонли Фармонининг устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ёки ундан ортиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасдан маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатиши тақиқланган 1-банди ёки товарларни (хизматларни) электрон тижорат орқали реализация қилиш ҳолатларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сонли Фармонининг 4, 5-бандларида белгиланган бартер шартномалари тузилишини тақиқлаш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) учун тўловларни учинчи шахслар ҳисобидан ундиришга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги талаблар инобатга олинмаган бўлса, суд низони мазмунан кўриб чиқиб, бундай шартномаларни тузишда айбдор мансабдор шахсларнинг маъмурий ёки интизомий жавобгарлиги масаласини ҳал этади, агар шахсларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланса, жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал этиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади";

15-бандининг биринчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш ва ердан фойдаланишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олишда иқтисодий судларнинг ролини ошириш тўғрисида"** 2004 йил 12 мартдаги 115-сонли қарори:

2-бандидаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4478-сонли" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3-бандининг иккинчи хатбошисидаги "Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 25-моддасига" деган сўзлар "Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26-моддасига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"14. Иқтисодий судлар шуни эътиборга олсинларки, "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 18-бандига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сонли қарорининг 3-бандига кўра, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари — фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан давлат божини тўлашдан озод этилганлар.

Бунда даъво аризасини қаноатлантириш рад этилганда манфаати кўзлаб даъво аризаси киритилган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларидан давлат божи ундирилмайди".

3. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"** 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори:

13.2-бандидаги "хўжалик судига" деган сўзлар "иқтисодий судга" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13.3-бандининг тўртинчи — олтинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Қоидаларнинг 21-бандига мувофиқ, банкротликни яшириш аломатлари банкротлик тўғрисида иш қўзғатишдан олдинги давр мобайнида, шунингдек, банкротлик таомиллари жараёнида суд бошқарувчиси томонидан аниқланади";

20-бандининг учинчи хатбошисидаги "хўжалик суди" деган сўзлар "иқтисодий суд" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Олий хўжалик суди Пленумининг **"Иқтисодий суднинг хусусий ажрими тўғрисида"** 2007 йил 28 декабрдаги 172-сонли қарори:

2-банди иккинчи хатбошисининг ўзбек тилидаги матнида "хўжалик низосидан" деган сўзлар "низодан" деган сўз билан алмаштирилсин;

4-банди чиқариб ташлансин;

6.3-бандидаги "хўжалик суди" деган сўзлар "иқтисодий суд" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8.4-бандининг учинчи хатбошисидаги "Хўжалик ишини" деган сўзлар "Ишни" деган сўз билан алмаштирилсин;

8.5-бандининг иккинчи хатбошисидаги "хўжалик иши" деган сўзлар "иқтисодий иш" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9-бандининг биринчи хатбошисидаги "хўжалик низосини" деган сўзлар "иқтисодий низони" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Иқтисодий судлар томонидан келишув битимини тасдиқлашда процессуал қонун нормаларининг қўлланилишига оид айрим масалалар тўғрисида"** 2009 йил 18 декабрдаги 204-сонли қарорининг 20-банди қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Агар келишув битимида қарздорликни муайян муддатларда тўлаш назарда тутилган, бироқ битим шартлари лозим даражада бажарилмаган тақдирда, суд манфаатдор шахснинг илтимосномасига асосан келишув битимида кўрсатилган мажбуриятларни бажариш муддатларини кўрсатган ҳолда битта ижро варақасини беради".

6. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Мулк ҳуқуқини тан олишга оид ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан қонун ҳужжатлари қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида"** 2010 йил 19 ноябрдаги 220-сонли қарори:

11-бандининг учинчи хатбошисидаги "тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги" деган сўзлар "тўртинчи қисмидаги" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12.2-банди чиқариб ташлансин;

12.3-бандидаги "бешинчи қисмига" деган сўзлар "тўртинчи қисмига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12.4-банди биринчи хатбошисининг ўзбек тилидаги матнида "олтинчи қисмининг" деган сўзлар "бешинчи қисмининг" деган сўзлар билан, "тўртинчи ва бешинчи қисмларига" деган сўзлар "тўртинчи қисмига" деган сўзлар билан алмаштирилсин, **рус тили матнидаги** "части шестой" деган сўзлар "части пятой" деган сўзлар билан алмаштирилсин, "и пятой" деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Мулк ижараси шартномасига оид фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"** 2011 йил 1 декабрдаги 234-сон қарори:

5-бандининг иккинчи хатбошисидаги "Давлат рақобат қўмитаси" деган сўзлар тегишли келишикдаги "Давлат активларини бошқариш агентлиги" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14-бандининг иккинчи хатбошиси "нотариал тасдиқланган бўлиши керак" деган сўзлардан кейин ", бундан ФК 565-моддасининг учинчи кисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

17-банди:

биринчи хатбошисидаги "учинчи қисмини" деган сўзлар "тўртинчи қисмини" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги 278-сонли қарори билан тасдиқланган "Бинолар ва иншоотларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 8-бандига мувофиқ, мулкдор ёки у томонидан вакил қилинган шахс ижара шартномаси тузилган вақтдан бошлаб бир ой муддатда, бинолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларга ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманома беришлари шарт".

8. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Иқтисодий судлар томонидан ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"** 2012 йил 15 июндаги 238-сонли қарори:

9-бандининг биринчи хатбошисидаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига" деган сўзлар "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг иловасида келтирилган Давлат божи ставкаларининг миқдорларига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15.1-бандининг тўртинчи хатбошисидаги "хўжалик низоларини" деган сўзлар "иқтисодий низоларни" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"** 2013 йил 5 декабрдаги 254-сонли қарори:

1-бандидаги ""Лизинг тўғрисида"ги Қонун" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2.1-бандининг биринчи ва **иккинчи хатбошилари, 2.4** ва **7.4-бандлари** чиқариб ташлансин;

7.1-бандининг тўртинчи хатбошисидаги "Солиқ кодексининг 59 ва 60-моддалари" деган сўзлар "Солиқ кодексининг 115 ва 116-моддалари" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10-бандининг иккинчи хатбошисидаги "Солиқ кодексининг 330-моддасига" деган сўзлар "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10.2-бандидаги "Солиқ кодекси 337-моддаси йигирма бешинчи қисмининг" деган сўзлар "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 19-моддаси йигирма олтинчи қисмининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10.4-бандининг иккинчи хатбошисидаги "Солиқ кодексининг 342-моддасида " деган сўзлар "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасида" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20-банди қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Суд буйруғини бекор қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан берилган апелляция ёки кассация шикояти ИПК 281 ва 305-моддалари тартибида кўриб чиқилади. Ажрим апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан бекор қилинган тақдирда, биринчи инстанция суди томонидан берилган суд буйруғи ҳам бекор қилиниши лозим".

10. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида"** 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори:

кириш қисми, 1-банди, 3-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 4-бандининг ўзбек тилидаги матнида "хўжалик ширкатлари ва жамиятлари", "хўжалик ширкати ва жамияти" деган сўзлар тегишли сон ва келишикдаги "хўжалик ширкати" деган сўзлар билан алмаштирилсин, **рус тилидаги матнида** "и обществами", "и обществ", "и общества", "и обществе" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"9. Судларнинг эътибори хўжалик ширкати зиммасига унинг бошқарув органлари ваколатига кирадиган мажбурият (масалан, устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ёки камайтириш, жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш)ни юклаш ҳақидаги даъво талаби, ушбу мажбурият қонун ҳужжатлари билан ширкат бошқарув органининг ваколатига киритилганлиги сабабли, рад этилиши лозимлигига қаратилсин";

22.4-бандининг биринчи хатбошисидаги ""Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18-моддасининг тўртинчи қисмига" деган сўзлар ""Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 56-моддасининг тўртинчи қисмига" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Иқтисодий судлар томонидан видеоконференцалоқа режимида суд мажлисларини ўтказишда процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"** 2014 йил 28 ноябрдаги 270-сонли қарори:

5-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Бунда таржимон билан таъминлаш видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашувчи ёки иш иш юритувида бўлган иқтисодий суд томонидан амалга оширилади. Таржимон билан таъминлаш видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашувчи иқтисодий суд томонидан амалга оширилганда, ушбу суд таржимонга ИПК 59-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтирганлиги ҳақида тилхат олади ва ишни кўраётган судга юборади";

6.1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"6.1. Судларга тушунтирилсинки, ишда иштирок этувчи шахсларнинг барчаси битта маъмурий-ҳудудий бирлик (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри, туман, шаҳар), яъни ишни кўраётган иқтисодий суд жойлашган ҳудудда жойлашган бўлса-да, бошқа суд биносидан туриб видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш учун судга илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли".

12. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини иқтисодий судлар томонидан қўлланилишининг айрим масалалари ҳақида"** 2015 йил 27 ноябрдаги 289-сонли қарори:

6-бандининг биринчи, учинчи ва **тўртинчи хатбошиларидаги** "лизинг объектини қайтариб олган" деган сўзлар "гаров нарсасини ундириш учун назарда тутилган тартибда ундирувни лизинг объектига қаратган" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-банди чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Акциядорлик ва бошқа хўжалик жамиятлари томонидан улар ҳақидаги ахборотни ошкор қилишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда амалга оширилган (қабул қилинган) битимларни (қарорларни) ҳақиқий эмас деб топишнинг айрим масалалари тўғрисида"** 2015 йил 27 ноябрдаги 290-сонли қарори:

4.1-банди:

саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек, акциядорларга электрон почта орқали юборилади (62-модданинг биринчи қисми);";

ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"тугатувчи жамиятнинг тугатилиши ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги эълон рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади (99-модданинг биринчи қисми)";

7.2-банди "а" кичик бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмаганлиги, шунингдек, акциядорларга электрон почта орқали юборилмаганлиги;".

14. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Иқтисодий судлар томонидан қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"** 2016 йил 23 декабрдаги 306-сонли қарори:

4-бандининг биринчи хатбошисидаги "танлов (тендер) савдолари" деган сўзлар "электрон дўкон, танлов, тендер, ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20-банди:

биринчи хатбошисидаги "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 330-моддасининг 27-бандига" деган сўзлар ""Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг 17-бандига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 330-моддасининг 27-бандида" деган сўзлар ""Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг 17-бандида" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **"Судлар томонидан суғурта шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"** 2017 йил 29 ноябрдаги 45-сонли қарорининг **20-банди** чиқариб ташлансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **"Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"** 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарори:

13-бандининг учинчи хатбошисидаги "кўриб чиқилмаслиги ва мазкур талаб мустақил равишда билдирилиши мумкинлиги ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида кўрсатилади" деган сўзлар "кўриб чиқилмайди ва суд бундай аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

(Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◀ **(Бошланиши 1 ва 2-бетларда)**

24-банди қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

"Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, йўқолган суд ишини ёки ижро ишини юритишни тиклаш, ижро варақаси дубликатини бериш, суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш, ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисидаги аризалар билан мурожаат қилинганда ҳам ариза юридик шахс раҳбари ёки у ваколат берган шахс томонидан имзоланиши лозим (ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш, ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисидаги аризалар давлат ижрочиси томонидан ҳам имзоланиши мумкин). Бундай турдаги аризалар ваколатли шахслар томонидан имзоланмаганда улар ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мос ҳолда қайтарилади";

28-банди қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

"ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 5-бандида жавобгарга ва учинчи шахсларга даъво аризасининг ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини, содалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилаётган ишлар бўйича эса — жавобгарга даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари топширилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса, даъво аризаси қайтарилиши белгиланган. Судларга тушунтирилсинки, прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган даъво аризаси (ариза) бўйича даъво аризасининг (аризанинг) ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари манфаати кўзланган шахсга юборилганлигини (топширилганлигини) тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса ҳам даъво аризаси (ариза) ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига мос ҳолда қайтарилади".

III. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"** 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарори:

қуйидаги мазмундаги **10¹-банд** билан тўлдирилсин:

"10¹. Судлар эътиборга шуни олишлари лозимки, агар қарз шартномасига кўра қарз берувчи қарз олувчидан фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлса, лекин шартномада фоизлар миқдори белгиланмаган бўлса, фоизлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарз суммаси берилган кундан қайтарилган кунгача бўлган даврда белгиланган қайта молиялаш ставкаси миқдорлари бўйича ундирилиши керак";

17-бандидаги "учинчи қисмига" деган сўзлар "бешинчи қисмига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18-бандининг тўртинчи хатбошисидаги "тўртинчи қисмига" деган сўзлар "олтинчи қисмига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23-банди:

матнидаги ", гаров шартномасида кўрсатилган миқдордаги бошланғич сотув баҳоси" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

"Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, гаровга қўйилган мол-мулкнинг ким ошди савдоси бошланадиган вақтдаги бошланғич сотиш баҳосини суд қарори билан белгиланмайди.

Шунга кўра, агар даъво аризасида гаровга қўйилган мол-мулкнинг ким ошди савдоси бошланадиган вақтдаги бошланғич сотиш баҳосини белгилаш ҳақида талаб мавжуд бўлса, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ушбу мол-мулк гаров (ипотека) тўғрисидаги шартномада кўрсатилган нарх бўйича реализация қилиниши тўғрисида тушунтириш бериши лозим";

25-бандининг иккинчи хатбошисидаги "саккизинчи қисмига" деган сўзлар "еттинчи қисмига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26-банди:

биринчи хатбошиси "гаров ҳуқуқи ўз кучида қолади" деган сўзлардан кейин ", бундан муомаладаги товарларнинг гарови ҳамда гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ёки хўжалик асосида юритиш ҳуқуқи гаровни сақламаган ҳолда бошқа шахсга ўтишига гаровга олувчи розилик билдирган ҳоллар мустасно" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

"Судларга тушунтирилсинки, кредитор қарздордан пул маблағларидан фойдаланганлик учун қарзни қайтариш кунига қадар ҳисобланган фоизларни ундириш ва унинг ундирувини гаров нарсасига қаратиш тўғрисида судга мурожаат этишга ҳақли.

Бундай ҳолда, агар бошқа суд қарори билан кредит қарздорлигини ундириш гаров объектига қаратилган ва у белгиланган тартибда реализация қилинмаган бўлса, суд даъвонинг фоиз ундирувини гаров нарсасига қаратиш талабини қаноатлантириши мумкин".

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Суд ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"** 2009 йил 10 апрелдаги 6/196-сонли қарори **21-бандининг биринчи хатбошиси** "гаров ҳуқуқи ўз кучида қолади" деган сўзлардан кейин ", бундан муомаладаги товарларнинг гарови ҳамда гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ёки хўжалик асосида юритиш ҳуқуқи гаровни сақламаган ҳолда бошқа шахсга ўтишига гаровга олувчи розилик билдирган ҳоллар мустасно" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг **"Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"** 2012 йил 14 сентябрдаги 12/239-сонли қарори:

9-бандининг иккинчи хатбошисидаги "ўз вақтида ва тўла ҳажмда" деган сўзлар чиқариб ташлансин, "инкассация қилиш" деган сўзлардан кейин "(банкларга топшириш)" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13-бандининг биринчи хатбошисидаги "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 329-моддасининг 13-бандига ва 330-моддасининг 3-бандига" деган сўзлар ""Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддаси биринчи қисмининг 9-бандига ва 10-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14-банди:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошиси тегишинча **иккинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси **К. КАМИЛОВ**

Пленум котиби, Олий суд судьяси **И. АЛИМОВ**

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Шараф сизга, матонатли посбонлар!

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Дарҳақиқат, мамлакатимиз тарихида биринчи марта ўз моҳиятига кўра ноёб тизим — ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бу эса жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга фаол жалб этиш учун имкон берди. "Армия ва халқ — бир тану бир жондир" деган улуғ ғояни амалда таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари республикамиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишнинг чинакам кафолати бўлмоқда.

Ғоят мураккаб ва синовли тарзда мамлакатимиз, бутун халқимиз бошидан ўтган 2020 йилдаги оғир пандемия даврида ҳам ҳарбийлар коронавирус балосини бартараф этиш борасидаги курашда олдинги сафда бўлдилар.

Ҳарбий шифокорлар беморларнинг ҳаёти учун минглаб тиббиёт ходимлари билан елкама-елка фидойилик кўрсатган бўлсалар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия тизими вакиллари эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, жамоат тартибини, метин интизомни сақлашга оид саъй-ҳаркатларда пешқадам бўлганини халқимиз кўриб, билиб, ўзи гувоҳи бўлиб турди.

Мамлакатимиз ҳарбийларининг фидойилиги, мардлик ва матонат намунаси эл бошига яна бир оғир синовлар тушган дамларда — Сирдарё ҳамда Бухоро вилоятларидаги нохуш вазиятларда тағин намоён бўлди.

Ватан ҳимоячилари байрамининг қутлуғ шукуҳи кезиб юрган шу кунларда кўплаб соҳа фидойилари учун янги турар жойлар қуриб, фойдаланишга топширилмоқда. Соҳа вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг олий таълим олиши, ижтимоий муҳофазаси, ҳар жиҳатдан рағбати борасида янги имкониятлар яратилаётгани эътиборга молиқдир.

Давлатимиз раҳбарининг фармони асосида мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг мудофаа қобилиятини янада юксалтириш, юртимиз сарҳадларининг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фидокорона ва сидқидилдан жонбозлиги учун ҳарбий йўналишдаги бир қатор вазирлик ва идоралар, тузилмаларнинг вакиллари Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Бу эса ўз жонфидо, ҳалол, сидқидилдан қилинган меҳнат мамлакатимизда доимо эътибор ва эъзозда эканининг яна бир ёрқин ифодасидир.

— Бу соҳага болаликдан қизиқаман, — деди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взвод командири, "Жасорат" медали соҳиби Муҳаммадсоли Дўстқулов. - Аскарият касбдошларим каби ҳарбийлик наинки касб, балки юрак даъвати, умр мазмуни, орият, шаъну шараф тимсолига айланган муқаддас тушунчадир. Ўзи туғилиб ўсган юртни, ўз халқини, унинг мусаффо осмонини асраб-авайлаш, хавфсизлигини таъминлаш, бизни оқ ювиб, оқ тараган шу азиз Ватан тақдирига, унинг келажагига масъулият билан қараш шарафли бурчимиздир.

Залга ҳарбийлар, уларнинг ота-оналари, умр йўлдошлари, фарзандлари, яқинлари жам бўлган. Матонатли ҳарбийларни кўрганда уларнинг ўктамлиги, метин иродаси ҳар қайси инсон жилла қурса фарзандлари айнан улар каби мард, қатъиятли, саботли бўлиб камолга етишини орзу этиши аниқ. Дарҳақиқат, темир интизомни, Ватанга меҳр-муҳаббатни, ҳаётнинг, яқинларнинг қадрга етишни улардан ҳар қанча ўргансак арзийди.

... Жўшқин наволар янграйди. Ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги куй-қўшиқларнинг авжи ҳам, завқу файзи ҳам ўзгача. Улар қалбга қувват, шукуҳ, кўтаринкилик бағишлаши тайин. Тизимдаги бадиий жамоалар, ашула ва рақс ансамбллари, оркестрларнинг ранг-баранг чиқишлари, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги мусиқий дастур тантанали тадбирга самимият, ўзгача байрамона руҳ бағишлади. Дарҳақиқат, посбонларимизни ҳар қанча шарафласак, эҳтиром кўрсатсак арзирли! Тантана иштирокчилари "Тинчлик учун!" қўшиғини баралла ижро этдилар. Чиндан ҳам, посбонларимизнинг барча саъй-ҳаракати, умр мазмуни юртда мудом тинчлик барқарор бўлиши учун йўналтирилгандир.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: АРМИЯ ФАҚАТ ҚУРОЛ ВА АСЛАҲА БИЛАН ЭМАС, ОНА ВАТАН УЧУН ЖОНИНИ АЯМАЙДИГАН ҲАРБИЙЛАР БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Аскар ва офицерларнинг замонавий билим олиши, ҳарбий техника ва технологияларни мукаммал эгаллаши, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бош мақсад этиб белгиланган.

— Армия фақат қурол ва аслаҳа билангина кучли ҳисобланмайди, балки она Ватан учун жонини аямайдиган ҳарбийлар — аскар ва офицерлар, генераллар билан қудратлидир, — дея таъкидлади Президент. — Армиямизнинг имкониятлари ва жанговар салоҳиятини белгилайдиган асосий омил мана шу, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Маросимда бугун дунёнинг турли нуқталарида тинчлик ва осойишталикка таҳдид ва хатарлар, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар юз бераётгани қайд этилди. Бундай ҳолатлар бутун инсоният қатори халқимизни ҳам безовта қилиши табиий. Ушбу хавфларга муносиб қарши тура олиш учун инсонда чинакам ватанпарварлик, юксак билим ва тафаккур, метин ирода бўлиши зарурлиги таъкидланди.

— Буюк саркарда Амир Темур бобомиз: "Аскарлари ботир эл қудратли бўлур", деганларида айнан ана шу ҳақиқатни назарда тутган эдилар. Мен ҳар бир аскар, Ватаннинг ҳар бир посбони Амир Темур ва улуғ лашкарбошиларимиз ўгитларини, уларнинг ҳарбий меросини чуқур билиши керак, деб қайта-қайта таъкидлаб келаман. Бу ўлмас ва бебаҳо мерос ҳозирги кунда ҳам ҳар биримизнинг қалбимизга чексиз ғурур бахш этади, муқаддас тупроғимизга садоқат туйғуларини кучайтиради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган жасур ҳарбийларни ана шундай аждодларимизнинг чинакам ворислари, деб атади.

Маросимда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, божхона тизими ва ички ишлар органлари ходимлари иштирок этди.

Олий Бош Қўмондон йиғилганлар тимсолида бугун жойларда юксак давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча ҳарбий хизматчиларни самимий табриклади.

Президент Шавкат Мирзиёев унвон тўғрисидаги гувоҳномаларни, орден ва медалларни тантанали равишда топширди. Ватан ҳимоячиларига сиҳат-саломатлик, зиммасидаги олижаноб вазифаларни самарали адо этишда улкан зафарлар тилади.

Мукофотланганлар юксак эътибор, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари қўллаб-қувватланаётгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

ЎзА

Қонун моҳияти

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришлар

суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини қайта кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Мисол учун 2019-2020 йиллар давомида маъмурий судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатларга оид 31 минг 322 та ариза кўрилиб, улардан 21 минг 272 таси ёки 68 фоизи қаноатлантирилган. Шу жумладан, ҳокимларнинг 2 минг 852 та қарори ҳақиқий эмас, деб топилиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Президентимизнинг 2020 йил 24 июлдаги **"Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони қабул қилиниши суд-ҳуқуқ ислоҳатларининг янги босқичини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратди.

Ушбу ислоҳотларни амалга ошириш учун куни кеча тегишли қодексларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

Мазкур қонунлар, Олий суд томонидан халқаро тажрибани ўрганган ҳолда, соҳа мутахассислари, олимлар ҳамда кенг жамоатчилик билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаларини тайёрлашда Германия, Франция, Латвия, Венгрия, Италия, Япония, Канада, Жанубий Корея, Чехия, Польша каби бир қатор хорижий давлатлар тажрибаси эътиборга олинган. Хусусан, қабул қилинган "Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини қайта кўриб чиқиш тартибини илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилади.

Янги қонун фуқаролар учун одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва касация инстанцияларини ислоҳ қилиш, назорат тартибида иш юритиш институтини бекор қилиш ҳуқуқий асослари ва процессуал тартибини белгилашни назарда тутади.

Холислик нуқтаи-назаридан шуни таъкидлаш керакки, бунгача амалда бўлган назорат инстанцияси тизими суд ишларининг йиллаб ўз ечимини топмасдан, фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келган. Шу билан бирга, аввалги назорат инстанцияси тизими халқаро стандартларга ҳам мос келмас эди. Жумладан, қонуний кучга кирган суд қарорларини бир неча марта қайта кўриш имконияти мавжуд бўлиб, бу эса:

- суд қарорларининг ҳуқуқий жиҳатдан аниқлик принципини бузилишига;
- манфаатдор шахслар суд ишидаги мавҳумлик ҳолатидан бир неча йиллар азият чекишга;
- охир-оқибат суд ҳокимиятининг обрў-эътиборига путур етказиб, нафақат суд процесси иштирокчиларида, балки кенг жамоатчиликда судларга нисбатан салбий муносабат, шунингдек, ҳуқуқий тизимга нисбатан ишончсизликни юзага келтирарди.

Давлатимиз раҳбари томонидан **"бир суд — бир инстанция"** тамойилининг илгари сурилиши суд қарорларини қайта кўриш тизимида йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш йўлида айни муддао бўлди. Яъни ушбу тизимни тубдан кўриб чиқишга асос солди. Унга кўра, бир-бирини такрорлайдиган суд босқичлари қисқартирилди. Халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли суд тизими яратилмоқда.

Биринчи инстанция — туман (шаҳар) судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича — вилоят судлари, апелляция инстанцияси — вилоят даражасидаги судлар, кассация инстанцияси сифатида — Олий суд фаолият олиб боради.

Иккинчи инстанцияда фақат номи билан фарқланувчи иккита босқичнинг, яъни суд қарори қонуний кучга кирмаган ишлар бўйича апелляция, қонуний кучга кирган суд қарорлари бўйича — кассация мавжудлигига барҳам берилди. Халқаро амалиётга мос ягона апелляция босқичи яратилмоқда.

Ўрта бўғиндаги судлар асосан апелляция инстанцияси суди сифатида ихтисослашгач, уларнинг масъулияти кучайтирилди. Бунда барча диққат-эътибори суд қарорларининг сифатига қаратилади ҳамда биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар ўз вақтида бартараф қилинади.

Натижада судларда ишларнинг якуний ечим топмасдан, қайта-қайта кўрилишига, фуқаролар ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларига, айниқса, уларнинг йиллар давомида овора ва сарсон бўлиб, судма-суд юришига барҳам берилади.

Маъмурий ишларни кўриш билан боғлиқ қонунчилигимизга киритилган асосий ўзгартиш ва қўшимчалар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларни ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш белгиланмоқда.

Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилиши, ўз навбатида, маъмурий судларнинг мустақиллигини таъминлаш, адолатли ва асосли суд қарорлари қабул қилишга, давлат бошқаруви ва бошқа органлар томонидан турли аралашувларнинг олдини олишга, судлар томонидан қонун устуворлиги ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, кассация институти қайта ислоҳ этилиши ва назорат инстанцияси тугатилиши муносабати билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексдаги назорат инстанцияси билан боғлиқ моддалар ва барча қоидалар чиқариб ташланди.

Учинчидан, кодексга киритилаётган ўзгартиришларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, илгари ишда иштирок этувчи шахслар суд қарорлари устидан Олий судга назорат тартибида шикоят келтирарди ва уларнинг шикояти Олий суд судьяси томонидан якка тартибда ўрганиб чиқилар эди. Шикоятни ўрганиш натижасида судья назорат шикоятини Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш ёки назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун иш билан бирга, Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарар эди.

Назорат шикоятини Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказиш рад этилганда, ишда иштирок этувчи шахслар қуйи суд қарорлари билан бирга, Олий суд судьясининг ушбу ажримидан ҳам норози бўлганда, Олий суд раиси ёки унинг ўринбосарига такроран мурожаат қилиб, ўзларига тегишли ишни Олий суднинг судлов ҳайъатида кўриб, уларнинг важларини эшитишни сўрар эди. Бу эса, тарафларга ортиқча оворагарчиликларни келтириб чиқараётган эди.

Эндиликда қонун талабларига жавоб берадиган, суд қарорлари устидан Олий судга берилган ҳар қандай шикоят (протест) тўғридан-тўғри Олий суднинг судлов ҳайъатида кўриб чиқиш ҳақидаги қоида кодексга киритилди. Ушбу ўзгартириш суд қарорлари устидан норози бўлиб шикоят (протест) келтирган ҳар қандай шахснинг иши кассация инстанцияси судида ҳеч қандай тўсиқсиз кўрилиб, уларнинг Олий суд инстанциясида, суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқини таъминлайди.

Тўртинчидан, юқори турувчи судга мурожаат қилувчи шахсларга қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида, апелляция шикояти (протести) бериш муддати йигирма кундан бир ойга, кассация шикояти (протести) бериш муддати бир ойдан бир йилгача бўлган муддатга ўзгартирилди.

Бешинчидан, илгари апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома икки ойдан кечиктирмасдан берилиши мумкин эди. Янги қонунда бундай чеклов чиқариб ташланди ва илтимоснома тарафлар томонидан чекланмаган муддатда берилиши мумкинлиги белгиланди.

Кодексга киритилган ушбу ўзгартириш ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд қарорлари устидан апелляция шикояти (протести) келтириш ҳуқуқини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

Олтинчидан, инвесторлар билан маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги инвестициявий низолар, рақобатга оид ишлар маъмурий судлар томонидан кўрилиши белгиланди.

Эндиликда йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ аризаси (шикоят), шунингдек, товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича ариза ва шикоятлари тўғридан-тўғри Олий судга тақдим этилиши мумкин.

Мазкур ўзгартиришлар, ўз навбатида, фуқароларнинг ортиқча оворагарчиликлари олдини олади. Одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтиришга, суднинг чинакам мустақиллигини, тарафларнинг судда тортишувчанлик ва тенглиги тамойилини тўлиқ таъминлашга, инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли суд ҳимоясида бўлишини таъминлашга, бир сўз билан айтганда, қонун устуворлиги ва одил судлов самарадорлиги бўйича халқаро рейтингларда мамлакатимиз нуфузи ошишига хизмат қилади.

Оқлов

Қонунга зид далил

оқлов ҳукми чиқарилишига асос бўлди

Аслида ҳар қандай одам қилган жиноий қилмиши учун албатта, жавоб бериши керак. Шундагина жамиятда барчанинг қонун олдида тенглиги таъминланади. Шунинг баробарида айбсиз одамни асоссиз равишда жазолаш адолатсизликдир. Бу ҳол қонунга хилоф, инсонийликка зид, муқаддас динимизда ҳам оғир гуноҳ саналади.

Шу ўринда ҳаётий бир мисол келтирамиз. Гап шундаки, Зарбдор тумани ИИБ профилактика инспектори, майор Қиличбек Ўроловнинг дастлабки тергов ва биринчи босқич судининг асослантирилмаган, тахмин ва фаразлардан иборат айблови билан бир ярим йил муддатга озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлисида Қ.Ўроловнинг ва унинг ҳимоячилари томонидан берилган апелляция тартибидаги шикоят ҳар тарафлама, мазмунан кўриб чиқилди. Қ.Ўроловнинг қилмиш юзасидан жиноятга дахли йўқлиги ўз исботини топди ва у оқланди.

Хўш, аслида воқеа қандай содир бўлганди?

Ўшанда 2019 йилнинг 16 март куни эди. Зарбдор тумани ИИБ навбатчилик қисмига "Самодаги нур" чойхонасидан қўнғироқ бўлади. Чойхона иш бошқарувчисининг турмуш ўртоғи икки нафар фуқаро чойхонада овқатланиш чоғида спиртли ичимлик истеъмол қилгани, кейин эса, овқат пулини тўламасдан эри Н.Фахриддинов билан жанжал қилаётгани ҳақида хабар беради.

Бироздан сўнг чойхона иш бошқарувчиси Н.Фахриддиновнинг ўзи ҳам "102" рақамига мурожаат қилади.

Аммо навбатчилик қисми навбатчиси Х.Болиев чақирув хабарини қасддан тегишли тартибда рўйхатдан ўтказмайди. Бу ҳам етмагандек, у ушбу ҳолат юзасидан туман ИИБ бошлиғига ахборот бермайди.

У фақат ўндудга бириктирилган профилактика инспектори Ў.Избосаровга қўнғироқ қилиб, воқеа жойига етиб бориши зарурлигини айтиш билан чекланади. Аниқроқ айтганда Х.Болиев профилактика инспектори Ў.Избосаровга "Самодаги нур" чойхонасига етиб бориши лозимлиги ҳақида соат 18^{30} да қўнғироқ қилганди.

Бу пайтда Қиличбек Ўроловнинг ўз хизмат ҳудуди ҳисобланган "Оқар" ва "Ёшлик" маҳалла фуқарлар йиғинларидан энди қайтиб келиб, ИИБда бўладиган йўриқномадан ўтиш учун эшик олдида Ў.Избосаров билан суҳбатлашиб турганди.

Хабарни олган Ў.Избосаров Қ.Ўроловдан "Ойбек" маҳалласидаги чойхонага бирга бориб келишни илтимос қилади. Шундан сўнг иккаласи манзилга етиб борганда, ҳақиқатан ҳам, икки нотаниш фуқаро бир-бири билан ғижиллашиб турганди.

Ў.Избосаров улар билан гаплашишга ҳаракат қилади, аммо маст фуқаролар гапга тушунмайди. Чойхона иш юритувчиси Н.Фахриддинов улар ароқни ўзлари билан олиб келгани, истеъмол қилган овқати пулини тўламай, жанжаллашаётганини айтади.

Бу гапни эшитгач, Ў.Избосаров "овқатлангандан кейин пулини тўлаб кетмайсизларми?!" — дейди.

— Мана, пул, — дейди кейинчалик шахси аниқланган F.Шодмонқулов чўнтагидан 300 минг сўм чиқариб. — Лекин харажатни мен тўламайман, Фурқат берсин.

F.Шодмонқуловнинг бу гапидан шериги Ф.Неъматов баттар жаҳлланади. Улар бир-бирини ҳақоратлашга ўтишади.

Ў.Избосаров устки кийимида қон доғлари бор, ўнг қўлининг юзасида қон қалқиб турган Ф.Неъматовни чойхонадан ташқарига олиб чиқади. Уларнинг ортидан F.Шодмонқулов ҳам эргашади.

Шундан сўнг F.Шодмонқулов билан Ф.Неъматов Ў.Избосаровнинг "Матиз" русумли автомашинаси орқа ўриндиғига ўтиришади. Эшикни очиб юбормасин, деган мақсадда Қ.Ўролов ҳам уларнинг ёнидан жой олади.

Улар аввал туман тиббиёт бирлашмасига боришади. Нарколог врач С.Умиров F.Шодмонов билан Ф.Неъматовни текшириб кўриб, маст-лик ҳолати бўйича маълумотнома ёзиб беради.

Шундан сўнг улар Ички ишлар бўлимига келишади. Қ.Ўроловнинг йиғилиш ўтадиган залга кириб кетади. Бундан кейинги воқелардан у хабарсиз эди.

Шу ўринда судланувчиларга нисбатан қўйилган айблов масаласига қайтадиган бўлсак, туман ИИБ навбатчилик қисми навбатчиси лавозимида ишлаб келган Х.Болиев мансабдор шахс бўла туриб, навбатчи ёрдамчи А.Ҳасанов, туман ИИБ профилактика инспекторлари Ў.Избосаров ва Қ.Ўроловнинг бир гуруҳга бирлашиб, жиноий тил бириктириб, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколат доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши ҳамда ҳокимият ҳаракатсизлиги, яъни давлат органи мансабдор шахсининг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши лозим ёки мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги ва мансаб сохтакорлиги жиноятларини содир этган.

Шунингдек, судланувчилар Ички ишлар вазирлигининг 2016 йил 12 ноябрь ва 2017 йил 14 ноябрдаги тегишли буйруқлари талабларини қўпол равишда бузишган. Хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашиши оқибатида фуқаролар F.Шодмонқулов ва Ф.Неъматовнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига сабабчи бўлишган.

F.Шодмонқулов билан Ф.Неъматов Ички ишлар бўлими биносига олиб келингач, уларнинг қўлига асоссиз равишда қишан тақилган, эркинлиги чекланиб, шахсий тинтувдан ўтказилган. Спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги ҳолатини тасдиқловчи маълумотнома ва Ў.Избосаровнинг билдиргисига асосан

улар туман ИИБ биносида жойлашган вақтинча сақлаш ҳибсхонасига асоссиз равишда, ҳеч қандай расмий ҳужжатларсиз мажбуран қамаб қўйилган.

Шу тариқа F.Шодмонқулов 2019 йил 16 март куни соат 18^{50} дан 21^{10} га қадар, Ф.Неъматов эса, 18^{50} дан 21^{40} га қадар ушлаб турилган.

Жабрланувчилар ИИБ маъмурий биноси ички қисми йўлаги ҳамда қурол сақланадиган хонанинг кириш қисмида ва фуқароларни вақтинча сақлаш ҳибсхонасида турли уятли сўзлар билан ҳақорат қилинган. Танаси, қўл ва оёқларига резина таёқ билан уриб, тан жароҳати етказилган.

Судга оид тиббий экспертиза хулосаларида F.Шодмонқулов "соғлиғининг бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати", Ф.Неъматов эса, "Соғлиғининг бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳати" олганлиги кўрсатилган.

Энди судланган Қ.Ўроловнинг апелляция шикоятига тўхталамиз. У биринчи босқич суди томонидан жиноят иши бир томонлама кўриб чиқилгани, ўзининг қайси қилмиши жиноий ҳаракат деб топилгани асослантирилмагани, суд ҳукми тахминларга асосланиб чиқарилгани, жабрланувчиларга нисбатан ҳеч қандай ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаганини баён қилган.

Ушбу ҳолатлар гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланганлигини билдириб, жиноят содир қилмаганлиги ва айбсизлиги ҳақида важлар келтирган. Суд ҳукмининг ўзига оид қисмини бекор қилишни ва оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи босқич суди ҳукмининг Қ.Ўроловга оид қисмини бекор қилиб, шикоятни тўлиқ қаноатлантиришни, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни лозим топди.

Хўш, Қиличбек Ўроловга оқлов ҳукми чиқаришга нималар асос бўлди?

Бу ўринда биринчи галда амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасига тўхталиш лозим. Негаки, ушбу моддада суд жиноят юз берганлиги, унинг содир этилишида ким айбдорлиги, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш шартлиги қайд этилган.

Унга кўра, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчи ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Мазкур кодекснинг 23-моддаси талабига кўра, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал этилиши керак.

Бундан ташқари Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддаси талабига кўра, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори 6-бандида эса, қонунга зид равишда олинган далилларга тергов олиб боришнинг ноқонуний, руҳий ва жисмоний куч ишлатиш усулларини қўллаб олинган далиллар ёки жиноят-процессуал қонуннинг бошқа нормалари бузилиши, масалан, ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши натижасида олинган далиллар кириши, далил қонунга зид равишда олинган деб топилган тақдирда суд ишдаги далиллар йиғиндисидан уни чиқариш тўғрисидаги ўзининг қарорини, қонуннинг бузилиши нимадан иборат эканини кўрсатган ҳолда асослантириши лозимлиги баён қилинган.

Шу каби далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил ҳисобланмаслиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг тўлиқ айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Апелляция суд мажлисида биринчи босқич суди томонидан қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаганлиги равшан бўлди.

Судлов ҳайъати жабрланувчилар F.Шодмонқулов ва Ф.Неъматовнинг апелляция инстанцияси судида судланувчи Қ.Ўролов уларни урмаганлиги, унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида берган ариза ва кўрсатмаларини, хизмат текширувида Қ.Ўролов урмаганлиги ҳақида берилган тушунтириш хатларида баён қилинган кўрсатмаларни ишнинг ҳақиқий ҳолатига мос кўрсатмалар деб баҳолади.

Биринчи босқич судида Қ.Ўроловнинг иши бўйича исботланиши лозим барча ҳолатлар синчковлик билан, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилмаган, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг ҳар бир важи текширилмасдан, иш ҳолатларига ойдинлик киритилмасдан Жиноят кодексининг 206-моддаси 1-қисми билан унга нисбатан асоссиз айб қўйилган, деган тўхтамга келди.

Мухтасар айтганда, шахсни қонунга зид далил билан айблаб, асоссиз равишда жазога тортишга қонун йўл қўймайди.

Судлов ҳайъати ажрими билан биринчи босқич судининг 2019 йил 10 сентябрдаги ҳукми Қиличбек Ўроловга оид қисми бекор қилинди. Содир қилинган жиноятга дахли бўлмаганлиги сабабли Қ.Ўролов айбсиз деб топилиб, оқланди.

Қонунга зид далил оқлов ҳукми чиқарилишига асос бўлди.

Шуҳрат ХУДОЁРОВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Жиноят ва жазо

Муқаддам судланган ҳамтовоқлар яна босқинчилик жиноятига қўл уришди

Маълумки, Жиноят кодексининг 15-моддасига биноан, қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар оғир жиноятлар тоифасига, қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар эса, ўта оғир жиноятлар сирасига киради. Шу маънода айтганда, кодекснинг 164-моддасида, яъни унинг 4 та қисмида ифодаланган босқинчилик ҳаракатлари ҳам оғир ва ўта оғир жиноятлар гуруҳига мансуб.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳаётда аксарият ҳолларда оғир ва ўта оғир жиноятлар муқаддам судланган шахслар томонидан содир этилади. Буни Марғилон ва Фарғона шаҳарларида яшовчи, муқаддам судланган Зуҳриддин Акмалиддинов, Абдулатиф Иминов ва Носирбек Йўлчиев (исм-шарифлар ўзгартирилган)-ларнинг қилмиши мисолида ҳам кўриш мумкин.

Гап шундаки, 2019 йил ноябрь ойининг охирларида бу ҳамтовоқлар ўзгаларнинг мулкини босқинчилик йўли билан қўлга киритиш мақсадида жиноий режа тузишади. Шунга кўра, 2019 йил 24 ноябрь куни тунги соат 01^{20} ларда Фарғона шаҳар Қўқон кўчасидаги "Лимон" савдо дўкони олдида турган, фуқаро Ж.Халиловга тегишли "Матиз" русумли автомашинага йўловчи сифатида ўтиришади.

— Улуғвор кўчасига ҳайданг, — дея босқинчилар ҳайдовчига буйруқ беришади.

Улар кўзлаган манзилларига етиб келгач, кутилмаганда ҳайдовчи Ж.Халиловни қўлбола "кастет", яъни темир бўлагини кўрсатган ҳолда ҳаёт учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш йўли билан қўрқитишади. Сўнгра Ж.Халиловнинг нархи 1.800.000 сўмлик "Huawei P20" русумли уяли телефони ва автомашина бардачогида турган 450.000 сўмни босқинчилик йўли билан қўлга киритишади. Кейин эса, ҳамтовоқлари Носирбек Йўлчиев бошлаб келган бошқа бир йўловчи автомашинага ўтирганча қочиб кетишади. Босқинчилар телефон аппаратини тергов давомида аниқлашни имкони бўлмаган шахсга сотиб, пулини ўзаро тақсимлаб олишади.

Эртаси куни ҳамтовоқлар яна жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттиришади. Аниқроғи, Абдулатиф билан Зуҳриддин кундузги соат 13^{20} ларда Тошлоқ тумани марказида ўзининг "Нексия" автомашинасида киракашлик қилаётган О.Турғуновни тўхтатишади.

— Бизни Водил йўлидаги "Жўжа" ошхонасига олиб бориб қўйинг, — дея илтимос қилишади автомашинага ўтиргач.

Бинобарин, уларнинг ғаразли мақсадидан бехабар киракаш йигит автомашинани Фарғона тумани томон ҳайдайди. Аммо "Жўжа" ошхонасига яқинлашганда, босқинчилар атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ҳайдовчининг юзига мушт туширишади ва уни ҳам аввалгидек темир жисм орқали ҳаёти учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш йўли билан қўрқитишади. Табиийки, О.Турғунов қутилмаган таҳдиддан буткул эсанкираб қолади. Бундан фойдаланган босқинчилар эса, унинг нархи 500.000 сўмлик "Samsung Galaxy J2" русумли телефон аппаратини қўлга киритиб, йўл ҳақки учун келишилган 50.000 сўмни ҳам бермай қочиб кетишади. Босқинчилар кейинчалик уяли телефон аппаратини терговда шахси аниқланмаган номаълум кимсага сотиб юборишади.

Буни қарангки, босқинчилар орадан уч кун ўтиб, яна жиноий қилмишга қўл уришади. Яъни 2019 йил 28 ноябрь куни Зуҳриддин Акмалиддинов ва Абдулатиф Иминов кеч соат 20^{00} да Фарғона шаҳрининг Алишер Навоий кўчасида жойлашган "EVOS" номли ошхона олдига келишади. Қарашсаки, йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи Н.Ҳусанов "Спарк" русумли автомашинасида мижоз кутиб ўтирган экан. Ҳамтовоқлар автомашинага ўтиргач, шаҳарнинг Қувасой кўчасидаги "Бурж" номли дорихона олдига элтиб қўйишни илтимос қилишади. Манзилга етиб келгач, босқинчилар ҳайдовчига қўлбола пичоқни кўрсатиб, ўқталишади. Пировардида Н.Ҳусановнинг 1.100.000 сўмлик "Redmi 7A" русумли телефон аппарати ва 475.000 сўмга тенг бўлган 50 АҚШ долларини олиб қўйишади. Аммо...

Аммо кўзнинг очлигини тупроқ тўлдиради, деганларидек, 2019 йил 29 ноябрь куни соат 18^{15} ларда уччала жиноятчи навбатдаги босқинчиликка қўл уришади. Қарангки, бу safар шаҳар марказидаги "DONER" қаҳвахонаси олдида "Матиз" русумли автомашинасида йўловчи кутиб турган И.Омондуллаев уларнинг ўлжасига айланади. Аниқланишича, такси Қиргули даҳаси Саноат кўчасидаги овлоқ жойга етиб борганда "мижоз"лар атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ҳайдовчига ҳаёти учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш йўли билан таҳдид қилишади. Натижада қўрқиб кетган И.Омондуллаев уларга қаршилик қилолмайди. Босқинчилар унинг нархи 2.300.000 сўмлик "Артел" русумли уяли телефони, 150.000 сўми ва 45.000 сўмлик қишки бош кийимини тортиб олишади. Шундан сўнг босқинчилар Носирбек олиб келган йўловчи автомашинага ўтириб, қочиб қолишади. Бироқ босқинчилар 2019 йил 1 декабрь куни шаҳар марказида ички ишлар ходимлари томонидан ушланади. Негаки, аввалги жабрланувчиларнинг мурожаатига асосан тезкор ходимлар аллақачон учовлоннинг изига тушишганди. Шу боис терговга қадар текширув мобайнида И.Омондуллаевга тегишли "Артел" русумли телефон аппарати А.Иминовдан, қишки бош кийим эса, З.Акмалиддиновдан ашёвий далил тариқасида олинди. Оқибатда айбдорларга нисбатан Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилди.

яна босқинчилик жиноятига қўл уришди

Шундан сўнг — 2020 йилнинг июнь-июль ойларида ушбу иш жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судида кўриб чиқилди. Албатта, суд судланувчиларнинг қилмишига Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори талаблари доирасида баҳо берди. Яъни ушбу қарорнинг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишилиши лозимлиги, 3-бандида эса, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши белгиланган. Бинобарин, суд З.Акмалиддинов ва А.Иминовни Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбдор деб топди. Шу билан бирга суд мажлисида дастлабки тергов органи томонидан Н.Йўлчиевнинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми "а" банди билан нотўғри квалификация қилинганлиги аён бўлди. Чунки амалдаги қонунларда гуруҳ томонидан содир этилган босқинчилик даволатчиси, ёрдамчиси, ташкилотчиси (мулкни талон-торож қилишда бевосита қатнашмаган шахс) кўринишидаги иштирокчи Жиноят кодексининг 28-моддаси орқали кодекснинг 164-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилишлиги қайд этилган. Шунинг учун Н.Йўлчиев кодекснинг 28,164-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбдор деб топилди. Қолаверса, суд Жиноят кодексининг инсонпарварлик тамойиллари ҳамда жабрланувчиларга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, айбдорларни кодекснинг 57-моддаси тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда профилактика инспекторлари томонидан муқаддам судланган шахслар билан талаб даражада иш олиб борилмаётгани, бу тоифадаги шахсларнинг юриш-туриши, босаётган қадами назорат қилинмаётгани туфайли ҳамон юқоридаги сингари оғир ва ўта оғир жиноятлар юз бермоқда. Масалан, "қаҳрамон"ларимиздан 2 нафари — Зуҳриддин Акмалиддинов ва Носирбек Йўлчиевларнинг бандлиги таъминланмаган. Агар муталасаддилар томонидан бу муаммога ўз вақтида барҳам берилганда эди, балки 3 нафар муқаддам судланган шахс такроран жиноят кўчасига қадам қўймаган бўларди. Бундан эса, ҳар бир ҳудуд вакиллари ўзларига тегишли хулоса чиқариб олиши зарур.

Жамшид ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг судьяси
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Куч-адолатда" мухбири

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судлари жамоаси суд фахрийси **Али МАМЕДОВ**нинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ҲАЙИТОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ҲАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7362
1 2 4 5 6 Топшириш вақти: 22^{00}. Топширилди: 23^{30}.